

# **“O‘ZKIMYOSANOAT” AKSIYADORLIK JAMIYATI**

## **БҮЙРУК**

Тошкент ш.

129-сон

2021 йил «21» октябрь

“Ўзкимёсаноат” АЖ коррупцияга қарши бошқарув тизимини жорий этицида ходимлар билан ишлаш йўналишини тартибга солиш ва ички меъёрий-хукукий хужжатлар тўпламини шакллантириш максадида

### **БУЮРАМАН:**

1. “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқарув раиси ва унинг ўринбосарларига номзодларни танлаш ва лавозимга тайинлаш низоми лойихаси ишлаб чиқилганлиги ва жамият Кузатув кенгаши ихтиёрига кўриб чикиш учун такдим этилганлиги мавзумот учун кабул килинсин.

1. Кўйидагилар:

“Ўзкимёсаноат” АЖнинг “Кадрлар сиёсати” 1-иловага мувофик;

“Ўзкимёсаноат” АЖ ва тизим корхоналари ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича йўрикнома 2-иловага мувофик;

“Ўзкимёсаноат” АЖ ва тизим корхоналарига ишга кабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўрикнома 3-иловага мувофик;

“Ўзкимёсаноат” АЖда ходимларни танлаб олиш ва тахлил қилиш тўғрисида низом 4-иловага мувофик;

Фукарорий-хукукий туслаги шартнома бўйича ижроини танлашни тартибга солини йўрикномаси 5-иловага мувофик;

“Ўзкимёсаноат” АЖ ижро аппарати ходимлари захирасини шакллантириш бўйича йўрикнома 6-иловага мувофик;

“Ўзкимёсаноат” АЖ ижро аппарати ходимларини ротация қилиш тартиби 7-иловага мувофик тасдиқлансин.

2. Юкорида кўрсатилган ички меъёрий-хукукий хужжатлар жорий йилнинг 1 ноябрь кунидан кучга киритилиши таъминлансин ва тегишли ходимлар белгиланган тартибда таништирилиши таъминлансин.

3. Келгусида қонунчиликка киритиладиган ўзгаришларни инобатга олган ҳолда, янги коррупция омилларига ўз вактида барҳам бериш максадида ички меъёрий-хукукий хужжатларга тегишли ўзгариши, кўшимчалар киритиш ва такомиллаштириш бўйича тахлил ишлари олиб борилсан.

4. Мазкур буйрук ижросини назорат қилишини ўз зиммамда колдираман.

Бошқарув раиси

Ж.Т.Мирзамахмудов

“Ўзқимёсаноат” АЖнинг  
21.10.2021 йилдаги 129-сонли бўйргига  
3-ИЛОВА

**“Ўзқимёсаноат” АЖ ва тармоқ корхоналарига  
ишга қабул қилинаётгган номзодларни текшириш бўйича  
ЙЎРИҚНОМА**

**1-боб. Умумий қондалар**

1. Ушбу Йўриқнома (кейинги ўринларда – Йўриқнома) «Ўзқимёсаноат” АЖ ва тармоқ корхоналарига (кейинги ўринларда – Жамият) ишга қабул қилишда номзодлар тексируванинг тамойиллари, талаблари, тартиби ва муддатларини белгиловчи ички ҳужжат хисобланади.

2. Ушбу Йўриқноманинг мақсадлари куйидагилардир:

номзод томонидан тақдим этилган ўзи, унинг профессионал фаолияти, бошқа жисмоний ва юридик шахслар билан қариндошлиқ ҳамда тижорат алоқалари ҳакидаги маълумотларни текшириш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда Жамиятнинг ички ҳужжатлари талабларига мувофик ҳалол, сифатли, пухта, холис амалга оширишга қодир жисмоний шахслар билан меҳнат муносабатларини расмийлаштиришга эришилишини таъминлаш;

Жамиятда лавозим мажбуриятларини бажариш учун етарли билим ва тажрибага эга бўлмаган, хукукбузарликлар содир этишга мойил бўлган шунингдек уларни ишга олиш Жамият учун обрў, коррупцияга оид ёки бошқа хатарларга олиб келувчи номзодлар билан меҳнат муносабатларига киришиш хатарини минималлаштириш;

раҳбарлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларга билимли, ҳалол, виждонли, қонунга итоаткор ходимларни танлаб олиш.

3. Ушбу йўриқнома ишга қабул қилишда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари билан алоҳида тартиб белгиланган лавозимларга нисбатан татбик этилмайди.

**2-боб. Асосий тушунчалар**

4. Ушбу Йўриқнома мақсадларида куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**коррупциявий харакатлар** – ходим томонидан бевосита ёки билvosita шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи мағбаатлари йўлида харакат ёки харакатсизлик учун моддий мағбаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий хуқуқлар, мулкий характердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддлаштириш учун тўловлар

ундириш (пора олиш) ва бошқа ноконуний мансабларда ўз хизмат вазифаларидан ноконуний фойдаланиш;

**манфаатлар тўқиашуви** – Жамият ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, Жамиятнинг ёки давлатнинг ҳукуклари ва конуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

**номзод** – Жамиятнинг бўш иш ўрни талабларига жавоб берувчи, вакант иш жойига танлаб олинган жисмоний шахс.

**ноконуний фойда** – ваъда қилинадиган, таклиф этиладиган, тақдим этиладиган ёки қонуний асоссиз олинадиган пул маблаглари ёки бошқа мол-мулк, ёки мулкий ҳукуклар, афзалликлар, имтиёзлар, хизматлар, номоддий активлар, бошқа ҳар қандай моддий ёки номоддий фойда;

**ходимнинг шахсий манфаатдорлиги** – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш доирасида унинг яқин кариндоши ёки ходимга алокадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблаглари, моддий ёки номоддий қийматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари);

**яқин кариндошлар** – кариндош ёки куда томондан кариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўгай ака-ука, опа-сингиллари.

### **3-боб. Ишга қабул қилинаётган номзодларни текширишга қўйилган умумий талаблар ва уларнинг муддатлари**

5. Ходимлар билан ишлаш бўлими ва Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари номзодларни текшириш учун масъул ҳисобланади.

6. Текширув барча доимий ва муддатли лавозимларга номзодлар, шунингдек фуқаролик-ҳукукий шартномалар бўйича қабул қилинган номзодларга нисбатан амалга оширилади.

7. Агар ходимларни танлаб олиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда - ДХРА) бошчилигида ёки ҳамкорликда амалга оширилса, номзодларни текшириш номзод қабул комиссияси баённомаси билан тасдиқлангандан сўнг, бироқ меҳнат шартномаси тузилмасидан олдин амалга оширилади.

8. Агар номзодларни танлаб олиш ДХРА иштирокисиз амалга оширилса, у холда ишга кабул қилинаётган номзод профессионал таилов ва (ёки) тестдан мұваффакиятли ўтгач, бирок мәннат шартномаси тузилмасдан аввал текширилади.

9. Номзодни текшириш 5 (беш) иш күнінің бүлгін муддатта амалга оширилади.

10. Номзодни белгіланған муддаттарда текшириш холис сабабларға күра имконсиз бўлса, унинг давомийлиги 5 (беш) иш күнінің бүлгін муддатта чўзилиши мумкин.

#### **4-боб. Текшириш учун хужжатлар ва маълумотларни олиш**

11. Номзодни текширишни амалга оширадиган Ходимлар билан ишлаш бўлимлари ва Коррупцияга карши ички назорат тузилмаси ходимларига (кейинги ўринларда – Ижрочи) текширувни ўтказиш учун қуйидаги хужжатлар тақдим этилади:

Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 80-моддасига мувофик ишга кабул қилинаётганда таълиф этиладиган хужжатлар нусхалари;

номзод томонидан Жамиятдаги манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички идоравий хужжатта мувофик шаклда тўлдирилган ва имзоланган декларация нусхаси.

12. Маълумотнома олинаётганда тўлдирилмаган бандлар мавжуд бўлса, Ижрочи номзоддан етмаётган маълумотларни сўраб олиши мумкин.

13. Ижрочи номзоддан тақдим этилган хужжатлар бўйича тушунтириш ва кўпимчаларни сўраб олишга ҳакли.

14. Номзод сўралаётган хужжатлар ёки маълумотларни тақдим этишини рад этган тақдирда номзодни текшириш очик фойдаланувдаги ва ижрочи тасарруфидаги маълумотлар асосида, шунингдек, расмий сўров юбориш орқали амалга оширилиши мумкин. Бунда ижрочи текширув натижаларига оид холосада тегишли кайдни амалга оширади.

15. Номзоднинг Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексида кўзда тутилмаган хужжатларни тақдим этишдан бош тортиши унинг ишга жойлашишини рад этиш учун сабаб бўлмайди.

#### **5-боб. Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш учун ахборот манбалари**

17. Ишга жойлашаётган номзодни текшириш доирасида номзоддан олинган маълумотлар, шунингдек очик манбалардан ёки расмий сўровлар юбориш орқали олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва ишлап амалга оширилади.

18. Маълумотларни йиғиши ишга жойлашаётган номзод ҳакидаги умумий ва холис фикрни шакллантириш, номзоддан олинган, жумладан, маълумотномада қайд

этилган, номзоднинг <https://vacancy.uks.uz> сайтидаги шахсий профилидаги хужжатлар ва маълумотлар ишончлилигини баҳолаш, шунингдек ўзи ҳақидаги маълумотларни яшириш ёки сохталаشتариш аломатлари йўқлигини таҳлил қилиш учун барча очик ахборот манбаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

19. Ишга жойлашаётган номзодни текшириш учун ахборот манбалари конунийлик ва холислик талабларига жавоб бериши лозим. Ижрочи бошқа давлат органлари ва Жамиятларига, номзоднинг аввалги иш жойлари, ўкув муассасалари ва ҳ.к. ларга тақдим этилган маълумотларни текшириш учун расмий сўров юбориш мумкин.

20. Ижрочи ҳуқуқни муҳофаза килиш органларига сўров юбориш орқали номзоднинг судланганлиги, фирибгарлик, коррупция ва зўравонлик билан боғлиқ ишларга алоқадорлигини текшириши мумкин.

21. Номзод ҳақидаги маълумотларни текшириш учун қўйидаги очик ахборот манбаларидан фойдаланиш мумкин:

Давлат хизматлари агентлигининг юридик шахслар ва якка тадбиркорлар маълумотларини текшириш бўйича платформаси - [https://fo.birdarcha.uz/s/ru\\_landing](https://fo.birdarcha.uz/s/ru_landing)

Корхона ва Жамиятларнинг ягона давлат реестри (КТЯДР) - <https://stat.uz/ru/uslugi-1/svedeniya-iz-egrpo>

Солиқ организациянинг электрон давлат хизматлари портали - <https://my.soliq.uz/main/?lang=ru>

Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлари портали - <https://data.gov.uz/ru>  
Ер ресурслари ва давлат кадастри бошкармаси - <http://kadastr.uz/ru/>

Ижро хужжатлари бўйича карздорларнинг маълумотлар базаси - <https://mif.uz>  
Ахборот қидибув тизимлари (масалан, Google, Яндекс ва ҳ.к.) ва ҳ.к.

Ушбу рўйхат зарур бўлганда ўзгартирилиши ва кенгайтирилиши мумкин бўлган манбаларнинг таҳминий рўйхатини ифодалайди.

#### **6-боб. Ишга жойлашаётган номзодларни текширувани ўтказиш йўналишлари**

22. Номзодларни текшириш қўйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:

номзодда тугатилмаган судланганлик ҳолати ва (ёки) иктисадий, жумладан, коррупциявий характердаги конунбузарликлар муносабати билан уни маъмурий, жиноний ёки интизомий жавобгарликка тортиш фактлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар йўқлиги;

суд органлари томонидан қўйилган раҳбарлик лавозимларини эгаллашга такик йўқлиги – раҳбарлик лавозимига номзод учун;

номзод ёки унинг яқин қариндошлари тўғрисида уларнинг коррупциявий, фирибгарлик ёки бошқа қонунга хилоф фаолиятига доир маълумотлар йўқлиги;

аввалги иш жойларидан салбий тавсияномалар йўқлиги;  
номзодда манфаатлар тўқиашуви аломатлари йўқлиги;  
номзодга нисбатан бошқа хатар индикаторлари йўқлиги (жумладан, ижтимоий тармоклар ва оммавий ахборот воситаларида намойиш этилган ҳаёт тарзи расмий иш хакига мос келмайди ва бошқалар).

23. Қайд этилган йўналишлар бўйича текширув ўтказини мажбурий. Бунда текширув йўналишлари рўйхати заруратга қараб ҳар бир аниқ холатда кенгайтирилиши мумкин.

#### **7-боб. Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш натижалари**

24. Номзодни текширувни ўтказини натижалари бўйича Ижрочи томонидан Номзод текширилгани тўғрисидаги ҳисобот тузилиб (ушбу Йўрикномани 1-илова шакли бўйича), мазкур ҳисобот Ходимлар билан ишлаш бўлимида сақланади. Ўтказилган текширув ва унинг натижаларига оид маълумотлар Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш реестри (ушбу Йўрикномага 2-илова)га киритилади.

25. Жамиятнинг Ходимлар билан ишлаш бўлими Жамиятдаги Номзодларни текшириш реестрига киритиладиган маълумотларни йигиши ва ушбу Реестрни актуал холда саклани учун жавобгар ҳисобланади.

26. Текширув натижалари тўғрисидаги ҳисоботнинг 3 бўлимидаги 3.1-, 3.2-, 3.3-ёки 3.4-бандлари саволларига битта ва ундан кўп хавф индикаторлари мавжуд бўлган тақдирда (“Ҳа” жавоблари) ишга жойлашаётган номзодни текшириш натижалари бўйича салбий хulosса киритилади.

3.5-ёки 3.6-бандларидаги саволлардан бирига, биттасига бўлса ҳам бир ва ундан ортиқ хавф индикаторлари (“Ҳа” жавоблари) мавжуд бўлган тақдирда, текширув ўтказаётган шахс вазиятни коррупциявий хавф-хатарлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги бўйича баҳолайди.

27. Коррупциявий хавф-хатарлар мавжуд бўлган тақдирда, текширув ўтказаётган шахс уларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни таклиф қиласи ёки бундай хатарлар даражасини пасайтириш имкони бўлмаган тақдирда номзодни текшириш натижалари бўйича салбий хulosса беради.

28. Салбий хulosса берилган тақдирда, номзодни, шу жумладан, худудни ва таркибий бўлинмаларга ишга қабул қилиш Жамият раҳбари қарорига кўра номзод ишга олинаётган бўлинма раҳбарияти томонидан мазкур йўналишни назорат қилувчи раҳбар ўринбосари ва Ходимлар билан ишлаш бўлими раҳбари билан келишилган холда, тузилган хизмат маълумотномаси асосида амалга оширилади. Хизмат маълумотномасига текширув натижалари тўғрисидаги ҳисобот нусхаси илова килинади.

29. Текширув натижалари бўйича коррупциявий хатарлар аниқланган ва уларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар таклиф этилган номзод ишга олинган тақдирда ходимнинг раҳбари тавсия этилган чора-тадбирларнинг ўз вактида ва самарали амалга оширилишини назорат қилиш учун жавобгар ҳисобланади.

#### **8 боб. Текширувни ҳужжатлаштириш ва ҳужжатларни саклаш муддатлари**

30. Ишга жойлашаётган номзодни текшириш натижалари (жумладан, текширув натижалари тўғрисидаги ҳисбот ва бошқа ҳамроҳ ҳужжатлар) маҳфий ҳисобланади ва ишга жойлашаётган номзодни танлаб олиш ва текшириш жараёнида иштирок этмаётган Жамият ходимлари ва бошқа учинчи шахсларга ошкор этилмайди.

31. Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш реестри (ушбу Йўрикномага 1-илова)дан факаттинга ижрочилар фойдаланиши мумкин.

32. Лавозим мажбуриятларини амалга ошириш учун бундай маълумотлардан фойдаланиши зарур бўлган бошқа ходимлар коррупцияга карши кураш фаолиятини назорат килувчи раҳбар ўринбосарининг ёзма розилигини олиши лозим.

33. Номзод ишга жойлаштирилган тақдирда Текширув ўтказилини ҳакидаги ҳисботнинг асл нусхаси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган муддат ва тартибда ходимнинг шахсий йиг'ма жилдида сакланishi шарт.

34. Текширув ўтказилгани тўғрисидаги ҳисбот нусхаси, шунингдек ҳисботдаги маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар ва маълумотлар (масалан, скриншотлар, кўчирма, ваколатли муассасаларга юборилган сўровлар ва уларга олинган жавоблар ва х.к.) Ходимлар билан ишлаш бўлими томонидан камида 10 (ўн) йил давомида сакланishi шарт.

35. Жамиятга ишга жойлаша ололмаган номзодларни текшириш натижалари уч йил давомида сакланади.

36. Агар номзод Жамиятда ишлашга сўнгги текширув ўтказилгандан сўнг 2 йил давомида даъвогар бўлса, қайта текширув талаб этилмайди (манфаатлар тўкнашуви бўйича текширув бундан мустасно). Агар сўнгги текширув ўтказилганига икки йилдан ортиқ вақт бўлган бўлса, номзод қайта текширилиши лозим.

#### **9-боб. Якуний қоидалар**

37. Ушбу Йўрикнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ўзгарган тақдирда ёки номзодларни текшириш жараёнини таомиллаштириш зарурати туғилганда, қайта кўриб чиқилиши ва ўзгартирилиши лозим.

38. Ушбу Йўрикнома қоидаларини бузишда айбдор ходимлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамият ички ҳужжатларида кўзда тутилган тартиб ва асосда интизомий ҳамда бошқа жавобгарликка тортилиши мумкин.

«Ўзкимёсаноат» АЖ ва гармоқ  
 корхоналарига ишга кабул қилинаётган  
 номзодларни текшириш бўйича  
 Йўрикномага  
 1-ИЛОВА

### Номзод текширилгани тўғрисидаги хисобот

<b>1.</b>	<b>Асосий маълумотлар</b>		
1.1	Номзоднинг ФИШ		
1.2	Туғилган санаси		
1.3	Бўш лавозим номи		
1.4	Бўлинма		
1.5	Боғланиш учун телефон		
1.6	Эл.почта манзили		
<b>2.</b>	<b>Иш тажрибаси</b>		
2.1	Авалти иш жойлари (тескари хронологик тартибда), лавозимлари		
2.2	Авалги иш жойларидан салбий фикрлар майжудлиги	<input type="checkbox"/> <b>Ха</b>	<input type="checkbox"/> <b>Йўқ</b>
		Изоҳ (лар):	
		Манба(лар):	
<b>3.</b>	<b>Текширув патижалари</b>		
3.1	Ушбу Йўрикноманинг 11-бандида кўзда тутилган ҳужжатларнинг тўлиқ пакети олиндими? («Йўқ» жалоби факаттина Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 80-моддасига мувофиқ ишга кабул килиш вактида талааб этилган ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда берилиши мумкин)	<input type="checkbox"/> <b>Ха</b>	<input type="checkbox"/> <b>Йўқ</b>
		Етишмаётган ҳужжат(лар):	
		Уларнинг йўклиги сабаби(лари):	
3.2	Номзоддан олинган, жумладан, маълумотномада кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилик аломатлари ва у томонидан ўзи хакидаги айrim маълумотларни яшириш ёки сохталаштириш аломатлари йўклиги	<input type="checkbox"/> <b>Ха</b>	<input type="checkbox"/> <b>Йўқ</b>
		Изоҳ(лар):	
		Манба(лар):	
3.3	Номзода тугатилмаган судланиш жараёни ва (ёки) иқтисодий,	<input type="checkbox"/> <b>Ха</b>	<input type="checkbox"/> <b>Йўқ</b>

	Жумладан коррупцияйий харakterдаги конунбузарлайлар мүносабаты билан уни маъмурӣ, жиной ёки интизомий жавобгарликка тортиш фактлари мавжудлиги түғрисидаги маълумотлар йўклиги	(агар жавоб ижобий бўлса, асосини кўрсатинг)  Изоҳ(лар):  Манба(лар):
3.4	Суд органлари томонидан кўйилган раҳбарлик лавозимларнин эгаллашига такик йўклиги (раҳбарлик лавозимига номзод учун)	<input type="checkbox"/> Ха <input type="checkbox"/> Йўк  Изоҳ(лар):  Манба(лар):
3.5	Номзодла манфаатлар тўқнашуви аломатлари мавжудлиги:	<input type="checkbox"/> Ха <input type="checkbox"/> Йўк
	1) номзоднинг яқин кариндошлари Жамиятнинг амалдаги ходими хисобланishi	<input type="checkbox"/> Ха <input type="checkbox"/> Йўк (агар жавоб ижобий бўлса: иш жойи, лавозими, асосий мажбуриятларини кўрсатинг)  Изоҳ(лар):  Манба(лар):
	2) Номзод ёки унинг яқин кариндошлари раҳбарлик лавозими ёки карорлар кабул килиш билан боғлиқ лавозимни эгаллаб турган бўлса ёки потенциал равишда Жамият контрагентлари бўлиши мумкин бўлган компаниялар бошкарув органлари таркибига кирса	<input type="checkbox"/> Ха <input type="checkbox"/> Йўк (агар жавоб ижобий бўлса: ФИШ ва кариндошлик даражаси (агар манфаатлар тўқнашуви номзоднинг кариндошлари билан боғлиқ бўлса), компания номи, лавозими)  Изоҳ(лар):  Манба(лар):
	3) Номзод ёки унинг яқин кариндошлари хар кандай Жамиятнинг оммавий муомалада бўлмаган акциялари ёки устав капиталидаги улуши ёхуд Республика фонд биржаси ёки бошка фонд биржасида оммавий муомалада бўлган кимматбахо когозларнинг 5% ва ундан ортигига эгалих килса ёки компаниялар фаолияти натижаларинда шахсий манфаатдорлиги бўлса (жумладан, инвестициялар киритиш оркали)	<input type="checkbox"/> Ха <input type="checkbox"/> Йўк (агар жавоб ижобий бўлса: ФИШ ва кариндошлик даражаси (агар манфаатлар тўқнашуви номзоднинг кариндошлари билан боғлиқ бўлса), компания номи, лавозими)  Изоҳ(лар):  Манба(лар):
	4) Бошка аломатлар	<input type="checkbox"/> Ха <input type="checkbox"/> Йўк  Изоҳ(лар):  Манба(лар):
3.6	Иш жойига номзод ёки унинг яқин кариндошларининг коррупцияйий, фириғарлик ёки бошка конунга хилоф фаолиятига доир маълумотлар йўклиги	<input type="checkbox"/> Ха <input type="checkbox"/> Йўк  Изоҳ(лар):  Манба(лар):

3.7	<p>Номзодга нисбатан башка хатар индикаторлари йүклиги (жумладан, ижтимоий тармоқтар ва оммавий ахборот воситаларida намойиш этилган хаёт тарзи расмий иш хакига мөс келмайды ва бошкалар).</p>	<input type="checkbox"/> Ха <input type="checkbox"/> Йүк	<p>Изох(лар):</p> <p>Манба(лар):</p>			
3.8	Башка маълумотлар (жумладан, интервью натижалари)	<input type="checkbox"/> Ха <input type="checkbox"/> Йүк	Изох(лар): Манба(лар):			
4	Коррупциявий хавф-хатарлар таҳлили (3.5 ҳамда 3.6 бандларига ёки ушбу бандларнинг биттасига жавоб ижобий бўлса) ва уларни минималлаштириш чоралари бўйича тавсиялар					
<b>5</b> <b>Хулоса</b>						
		<b>Ха / Йүк</b>	<b>Изохлар</b>			
3.1-, 3.2-, 3.3- ва 3.4-бандларидаги курсатилган хатар индикаторлари мавжудлиги			Кайд этилган тоифадаги ақалия битта хатар мавжуд бўлган тақдирда хулоса салбий берилади			
3.5-, 3.6-, 3.7- ва/ ёки 3.8-бандларидаги хатар индикаторлари мавжудлиги			Юқори коррупциявий хавф-хатарлар ва уларни камайтириш бўйича чоралар кўриш имконисиз бўлган тақдирда, хулоса салбий берилади			
<b>ЯКУНИЙ НАТИЖА</b>	(салбий хулоса /ижобий хулоса)					
<b>ТАВСИЯЛАР</b> (аниланган хатарларни хисобга олган холда)						

Ижрочи

(ФИШ)

« \_\_\_\_\_ »

20 \_\_\_\_ й.

(имзо)

(сана)

«Ўзкимёсаноат» АЖ ва тармок  
 корхоналарига ишга қабул қилинаётган  
 номзодларни текшириш бўйича  
 йўрикномага  
 2-ИЛОВА

**Жамиятга ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш реестри**

T/p	Номзоднинг ФИШ	Бўш лавозим номи	Марказий аппаратдаги ёки хуудудий ва тарқибий бўлинма номи	Текширув ижрочиси, ФИШ	Номзодни текшириш бўйича хисобот сияси ва раками	Текширув натижаси (мусбат / манфий / авикланган хатарлар)	Текширув нитижасини асословчи киска изъҳлар
1	2	3	4	5	6	7	8
1							
2							
3							
4							
5							